

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРАЛИЕВ ФАРИД НЕККАДАМОВИЧ

**УРОГЕНИТАЛ КАНДИДОЗНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ТАВСИФИ ҲАМДА КАСАЛЛИК ЯКУНИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛОВЧИ МЕЗОНЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология;

14.00.11 - Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content so dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Нуралиев Фарид Неккадамович

Урогенитал кандидознинг клиник-иммунологик тавсифи ҳамда касаллик якуни истиқболни белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш 3

Нуралиев Фарид Неккадамович

Клинико-иммунологическая характеристика урогенитального кандидоза и разработка прогностических критериев исхода заболевания 23

Nuraliev Farid Nekkadamovich

Clinical and immunological characteristics of urogenital candidiasis and development of prognostic criteria for the outcome of the disease .. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРАЛИЕВ ФАРИД НЕККАДАМОВИЧ

**УРОГЕНИТАЛ КАНДИДОЗНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ТАВСИФИ ҲАМДА КАСАЛЛИК ЯКУНИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛОВЧИ МЕЗОНЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология;

14.00.11 - Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tib1174 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Вайсов Искандар Адхамжонович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Азизов Баходир Садикович
тиббиёт фанлари доктори

Полевщиков Александр Витальевич
биология фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «21» сентябр куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50) e-mail: buhmi@mail.ru

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 06 рақам билан рўйхатга олинган (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50)

Диссертация автореферати 2023 йил «7» сентябр тарқатилди.

2023 йил «7» сентябр даги 10 рақамли реестр баённомаси.



А.Ш. Иноятлов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. *Candida spp* одам танасининг турли биотоплари, шу жумладан таносил тизими трактининг меъерий микрофлорасида учрайди, аёлларда 75% ҳолатда қайд қилинади ва жинсий йўл билан юқадиган инфекция саналмайди, бироқ иммун тизими ёки гормонал ҳолатдаги ўзгаришларда намоён бўлади. Уларнинг миқдори кўпайиши патологик жараён - урогенитал кандидознинг ривожланишига олиб келади. «... Кандида инфекцияси бемордан соғлом одамга юкмайди, аммо бу инфекциянинг пайдо бўлиши жиддий тиббий ва иқтисодий оқибатларга олиб келади»¹ аниқланган. Бундан ташқари, эрта ташҳис қўйиш, даволаш ва касаллик натижаси истиқболлини белгилаш, шунингдек, текширилувчилар иммун статусини аниқлашда қийинчиликлар мавжуд. Шу сабабдан, юқорида келтирилган муоммоларни ҳал қилиш долзарб ва эътибор қаратилиши зарур масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда этиологик агентлари ачитқисимон замбуруғлар авлодига мансуб *Candida* ва кандида ташувчилар бўлган ҳолатларда организмдаги турли хил патологияларни ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу патологиялар, шу жумладан урогенитал кандидознинг патогенетик механизмлари, этиологияси, микологик диагностикаси, даволаш ва рецидивларнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган. Гарчи мавжуд усуллар билан аниқлаш самарадорлиги ҳар йили пасайиб бораётган бўлса ҳам сўнгги ўн йилликларда деярли янги диагностика усуллари таклиф қилинмаган. Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, катта ёшдаги аҳоли популяциясида урогенитал кандидоз билан касалланишнинг пасайиш даражаси кўп нарсани талаб қилмайди, шунга қарамай, касалликнинг якуни учун прогностик мезонлар, шунингдек, иммунодиагностиканинг самарали усуллари ва касалликлар олдини олиш усуллари ҳали ишлаб чиқилмаган. Урогенитал кандидознинг клиник-иммунологик, тиббий ва ижтимоий жиҳатлари бўйича жинс ва ёш хусусиятлари, ушбу беморларнинг иммун ва цитокин статуси ҳолати, *Candida spp* нинг бошқа патоген ва шартли-патоген микроорганизмлар билан ассоциациясининг хусусиятлари бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг, хусусан фертил ёшдаги аёлларнинг замбуруғли инфекциялар, шу жумладан кандидозлар билан касалланиш даражасини аниқлаш, тегишли ташҳис қўйиш, даволаш ва ушбу патологиянинг натижаси прогнозини таъминлаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишининг 56-мақсад, 4-қисмида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ

¹Юлдашев А.Ю., Юлдашев М.А., Нугманова У.Т., Салиоҳунова Х.О., Махмудова З.Т. Лечение кандидоза у детей раннего возраста // Вестник Ташкентской медицинской академии. – Ташкент, 2020. - №1. – С.179-182.

этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ...»² бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунга асосланиб, урогенитал кандидознинг клиник-иммунологик жиҳатларини қиёсий ўрганиш, инфекциянинг қайталанишини камайтиришга янги ёндашув ишлаб чиқиш, диагностика учун иммунологик мезонлар ва ушбу нозологик бирлик натижаларини прогноз қилиш долзарб ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Микробиология ва микология соҳасидаги мутахассислар *Candida spp* ни одам организмида яшайдиган ва унга экзоген таъсирлар натижасида фаоллашиб, патогенлик хусусиятини намоён қиладиган шартли-патоген микроорганизмлар (ШПМ) деб қарашган (Петрова Т.Л., 2014; Workowski K., Berman S., 2010).

Candida spp 30-50% соғлом одамларнинг балғами, нажаси, сийдиги экиб ундирилганда, шиллик пардалардан суртма олинганда учрайди. Охирги йиллар маълумотларига қараганда, одам оғиз бўшлиғи шиллик қаватида унинг миқдори сўнгги йилларда 46-52% гача ошган. Ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг қин шиллик қаватида учраш даражаси 11-13% га етган, аммо ҳомиладорликнинг охирги триместрида 29% дан 86% гача кескин кўпайган. Одам нажасида *Candida spp* чақарилишининг частотаси 80% гача, соғлом терида эса 9% га етган, шуниси эътиборлики, кандидознинг касаллик сифатида мавсумийлиги қайд этилмаган (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2010; Pružinec P. et al., 2018).

Кандидозларнинг ривожланишига олиб келадиган асосий омиллар қандли диабет, организмнинг умумий холсизлиги, иммунодепрессантлар

²«2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

истеъмоли, венани ва сийдик пуфагини катетерлаш, кортикостероидлардан фойдаланиш, меъерий микрофлора таркибини ўзгартирадиган антимикроб воситалар қабул қилиш, вена ичига наркотик моддалар юбориш саналади (Беликова З.Ф. ва ҳаммуал., 2014; Donders G.G.G. et al., 2017). Аммо *Candida* инфекцияси, шу жумладан урогенитал кандидозлар шаклланиши учун хавф омиллари аниқ белгиланмаган.

Candida spp нинг бошқа микроорганизмлар келтириб чиқарадиган юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва кечишига таъсири куйидагилар билан тавсифланади: замбуруғлар ва асосий юқумли агентнинг синергик таъсири, асосий касаллик шикастланиш интенсивлиги ошиши; микотик сезувчанлик, аллергия жараёнлар, иммуногенез жараёнларининг тормозланиши, антитело ишлаб чиқаришнинг тўхташи, организмнинг махсус бўлмаган резистентлик даражасини пасайтириш; бактериал инфекциялар патогенларини йўқ қилиш вақтини ошириш ва сурункали бактериал ташувчанликнинг шаклланиши; *Candida spp* иштирокида патогеннинг вирулентлигини ошириш; замбуруғларнинг антибиотикларга чидамлилигига таъсирининг генетик механизмлари - рекомбинация, селекция ва мутация (Малова И.О., Кузнецова Ю.А., 2015).

Исботланишича, қин кандидози тарқалиши турли ёш гуруҳларида турлича. Ҳайз кўриш бошланишидан олдин касаллик жуда кам учрайди, 18-20 ёшлиларда тарқалиш кескин ошади, аммо унинг чўққиси кейинги 20 йилга тўғри келади. Менопаузадан кейин қин кандидози одатда кам, лекин эстроген препаратларини қабул қиладиган аёлларда кўп учрайди (Федотов В.П., 2012; Дьяков Л.М., 2018).

Аёлларда кандидоз белгилари - кечқурун, совуқ қотганда, ҳайздан олдин ёки кейин гигиена қоидаларига ўз вақтида амал қилмаслик, жинсий аъзолар шиллик пардалари қизариши ва шишиши; ачишиш ва қичишиш, нордон ҳидга эга бўлган творогсимон кўп миқдорда оқ ажралма; сийдик ажратишда оғриқ ва ачишиш; жинсий алоқа пайтида ноқулайлик (Желтикова Т.М., 2017; Khan D., Ansar A.S., 2016). Эркакларда кандидоз белгилари куйидагилар бўлиб ҳисобланади - жинсий олатнинг бошча соҳасида қизариш, қичишиш ва оғриқ; жинсий олат шишиши; унинг бошчасида оқ творогсимон караш; сийдик ажратишда оғриқ; жинсий алоқа пайтида оғриқ (Рахматулина М.Р., Цой Е.Г., 2017).

Кандидоз клиник-микологик ташҳиси анамнез, клиник симптомлар, микологик текширишлар билан тасдиқлаш орқали верификация қилинади. Ушбу патологиянинг диагностик қиймати ўрганилаётган беморнинг турли биологик материаллардан экмада ундиришда катта аҳамиятга эга (МКБ-10; Беликова З.Ф. ва ҳаммуал., 2014).

Кандидозни даволашда турли анъанавий даво усуллари комплексига иммуномодуляторлар қўлланилиши билан амалга оширилади, шунингдек, антимикотик даво ҳам тавсия этилади. Шиллик пардалар шикастланганда (оғиз, қин кандидози) замонавий антимикотик дориларни ўз ичига олган маҳаллий суспензия қўлланилади (Арифов С.С., 2013; Дикке Г.Б., 2019). Қин кандидозини олдини олиш бўйича бир қатор тавсиялар мавжуд: вазни

меъёрлаштириш; пахта матоли ички кийимдан фойдаланиш; тасодифий жинсий алоқада бўлмаслик; антибиотиклардан асоссиз фойдаланишни истисно қилиш; эндокрин фон бузилишлар, иккиламчи иммунодефицит аниқланган беморларни кузатиш (Иванова И.И. ва ҳаммуал., 2012; Шульженко А.Е., 2016; Venugopal S. et al., 2017).

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ушбу мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш ўз долзарблиги ва заруратини йўқотгани йўқ ва унинг бажарилиши назарий ва амалий тиббиёт учун аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022.PhD.171) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолисининг соғлигига таъсир қилувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш, даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёлларда урогенитал кандидознинг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш, баҳолаш ва касалликнинг якуни истиқболини белгиловчи иммунологик прогностик мезонларни ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

урогенитал кандидознинг ривожланишида этиологик агент учрашидан катъий назар (монокультура ёки ассоциацияда) клиник симптомлар аниқланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

урогенитал кандидозли аёллар иммун ва цитокин статусини аниқлаш ва уларнинг этиологик агентнинг массивлиги билан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда баҳолаш;

иммун-цитокин параметрлар ва урогенитал кандидозли аёлларнинг клиник ҳолати ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

аёлларда урогенитал кандидознинг якуни истиқболини белгиловчи прогностик клиник-микологик ва иммунологик мезонларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро ва Хоразм вилоятларида доимий истиқомат қиладиган урогенитал кандидоз билан касалланган 135 нафар 19-59 ёшли аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, қон зардоби, қиндан биологик материал олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, иммунологик, микологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳақиқий урогенитал кандидознинг (қинда *Candida spp* $>10^4$ ҚХҚБ/мл ва *Lactobacillus spp* $>10^8$ ҚХҚБ/мл) ҳақиқий урогенитал кандидоз ва кин дисбиози (*Candida spp* $>10^9$ ҚХҚБ/мл, *Lactobacillus spp* $<10^4$ ҚХҚБ/мл, патоген ва ШПМ $>10^9$ ҚХҚБ/мл миқдорда аниқланиши) билан биргаликда кечишига нисбатан 2,46 мартага кам учраши исботланган;

урогенитал кандидоз ташҳисланган аёллар қон зардобида IgE концентрацияси назорат гуруҳидан 6,33-6,85 мартага, прокальцитонин

миқдори 4,57-5,14 мартага ишонарли кўпайиши илк бор исботланган, бу *Candida spp* нинг кўзгатувчи сифатида учраши, узоқ муддатли персистенцияси, давомли элиминацияси билан боғлиқлиги аниқланган;

урогенитал кандидозда IL-4 бўйича гуруҳлараро тафовут 2,31-2,62, TNF- α бўйича 9,52-13,01 мартани ташкил этиши, илк бор цитокинлар параметри бўйича беморлар гуруҳлари орасида фарқ бўлиши аниқланган;

Candida spp $>10^4$ ҚХҚБ/мл, патоген ва ШПМ билан ассоциацияда $>10^9$ ҚХҚБ/мл аниқланиши, *Lactobacillus spp* $<10^4$ ҚХҚБ/мл униши, қон зардобидида IgG, IgE, прокальцитонин, IL-4 ва TNF- α ишонарли ошиши аниқланиши урогенитал кандидозлар асоратланиши, рецидивланувчи кўринишга ўтиши истикболини белгиловчи прогностик клиник-микологик ва иммунологик мезонлар сифатида тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

урогенитал кандидозда қинда қичишиш ва ачишиш, ажралмалар бўлиши каби беморлар шикоятлари, қиндан кўп миқдорда оқиш ажралмалар аниқланиши каби симптом ва микологик усулда кўп миқдорда ($>10^4$ ҚХҚБ/мл) *Candida spp* униши, ушбу патология аниқланишининг асосий клиник-микологик белгилари эканлиги кўрсатиб берилган;

урогенитал кандидозни эрта ташхислаш, касаллик кечиши оғирлиги ва рецидивланувчи кўринишини аниқлаш мақсадида *Candida spp* ни нафақат монокультура, балки ассоциация кўринишида, шунингдек миқдорий ҳам аниқлаш зарурлиги, шунда кўзгатувчи нафақат сифатий, балки миқдорий жиҳатдан ҳам идентификация қилиниши кераклиги аниқланган;

урогенитал кандидозлар асоратланиши, рецидивланувчи кўринишга ўтиши истикболини белгиловчи прогностик клиник-микологик ва иммунологик мезонлар беморни эрта ташхислаш, асоратланишини олдини олиш, яқин ва ўрта муддатли истикболини белгилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий бир бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, иммунологик, микологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда бирламчи материаллар ҳажми, сони етарли даражада бўлиши, таҳлилий ва прогностик кўрсаткичлар такомиллашгани, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий илмий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳақиқий урогенитал кандидознинг унинг қин дисбиози билан биргаликда кечишига нисбатан 2,46 мартага кам учраши исботланганлиги, шу патология ташхисланган аёллар қон зардобидида IgE концентрацияси соғлом аёлларга нисбатан 6,33-6,85 мартага, прокальцитонин 4,57-5,14 мартага ишонарли кўпайганлиги, бу ҳолат *Candida spp* кўзгатувчи бўлиши, узоқ муддатли персистенцияси, давомли элиминацияси билан боғлиқлиги аниқланганлиги, IL-4 бўйича гуруҳлараро тафовут 2,31-2,62 марта, TNF- α бўйича 9,52-13,01 мартани ташкил этиши

аниқланганлиги, *Candida spp* $>10^4$ ҚХҚБ/мл, ассоциацияда $>10^9$ ҚХҚБ/мл, *Lactobacillus spp* $<10^4$ ҚХҚБ/мл, қон зардобида IgG, IgE, прокальцитонин, IL-4 ва TNF- α кескин ошиши аниқланиши шу касаллик асоратланиши, рецидивланувчи кўринишга ўтиши истиқболлини белгиловчи клиник-микологик ва иммунологик мезонлар сифатида тавсия этилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти урогенитал кандидозда қинда қичишиш, ачишиш, ажралмалар, кўп миқдорда оқиш ажралмалар аниқланиши, $>10^4$ ҚХҚБ/мл миқдорда *Candida spp* униши кўрсатиб берилганлиги, ушбу патология эрта ташҳисини қўйиш касаллик кечиши оғирлиги ва рецидивланишини аниқлаш мақсадида *Candida spp* нафақат монокультура, ассоциация кўринишида, балки миқдорий ҳам аниқлаш зарурлиги, тавсия этилган ушбу мезонларнинг касаллик эрта ташҳиси, яқин ва ўрта муддатли истиқболлини белгилаш учун хизмат қилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Урогенитал кандидоз клиник-иммунологик тавсифи ҳамда касаллик якуни истиқболлини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

урогенитал кандидозли беморларни даволашнинг клиник-микологик самарадорлигини аниқлаш имконини берувчи «Урогенитал кандидозли беморларни даволашнинг клиник-микологик самарадорлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/470-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома урогенитал кандидозли аёлларни ташҳислаш ва даволашнинг клиник-микологик самарадорлигини баҳолашга имкон берган;

урогенитал кандидознинг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш, баҳолаш ва касалликнинг якуни истиқболлини белгиловчи иммунологик прогностик мезонларни ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят ҳудудий филиали фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8н-з/279-сон хулосаси). Тадқиқот натижалари фертил ёшдаги аёлларда кечадиган урогенитал кандидозни микологик ташҳислаш, клиник-микологик хусусиятларини баҳолаш, эрта ташҳислашни йўлга қўйиш орқали улар даволаш самарадорлигини ошириш, иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш орқали асоратланиш ва рецидивланишининг олдини олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари жами 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5

та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари келтирилган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Урогенитал кандидознинг клиник ва иммунологик жиҳатларига замонавий қарашлар: адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича ватандош ва хорижий тадқиқотчиларнинг охириги йиллар илмий манбалари шарҳи келтирилган. Унда беморларда урогенитал кандидознинг учраш даражаси, этиологияси, патогенези ва клиникасининг ўзига хос хусусиятлари, урогенитал кандидозлар ташҳисоти, даволаш тамойиллари ва профилактикасининг замонавий ҳолати, ушбу патологиянинг иммунологик жиҳатлари ва патогенетик хусусиятларини ўрганиш асослари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг **«Урогенитал кандидоз клиник-иммунологик тавсифини ўрганиш бўйича тадқиқот кўлами, материал ва усуллар»**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асоси бўлган материал ва усуллар тавсифи ўрин олган.

Диссертация ишига асос бўлган, илмий-тадқиқот ишини бажариш жараёнида барча клиник, инструментал ва лаборатор тадқиқотлар қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб режалаштирилган, тадқиқот охиригача режадан четлашишга мажбур қиладиган ҳолатлар кузатилмаган. Барча тадқиқотлар тўрт босқичда олиб борилган. Барча клиник, клиник-инструментал тадқиқотлар Хоразм вилояти перинатал маркази ва Бухоро шаҳар туғруқ комплексида 2018-2021 йилларда амалга оширилган. Иммунологик тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва одам геномикаси институтида ўтказилган.

Тадқиқотларга урогенитал кандидоз ташҳиси қўйилган 19-59 ёшли 135 нафар аёллар жалб қилинган, уларнинг 73 нафари Хоразм, 62 нафари Бухоро вилоятида доимий истиқомат қилувчилар бўлган. Беморларга ташҳис клиник, клиник-инструментал, лаборатор усуллар ёрдамида *Suternational Static Hcal Classification of Diseases and Related Health Problems 10 th Revision Version for (2007)* бўйича верификация қилинган.

Тадқиқотларга жалб этилганларнинг кўпчилигини (52,60±4,30%) 19-29 ёшли аёллар ташкил этган бўлса, камчилигини 40-49 ёшли (9,63±2,54%) ва 50-59 ёшли (4,44±1,77%) аёллар ташкил этган. Барча аёлларнинг 89 нафари (65,93±4,07%) қишлоқда яшайдиганлар бўлса, 46 нафари (34,07±4,07%) шаҳарда истиқомат қиладиганлар бўлган. Беморларнинг асосий қисмида касаллик давомийлиги 1 ойдан 1 йилгача давом этган. Ўрганилаётган касалликнинг 12 ой ва ундан ортиқ давом этиши 38,52% ҳолатда учрагани эътиборли ҳолат, чунки бу касаллик рецидивланишга мойиллиги уни даволашнинг қийинлиги билан изоҳланган. Маълум бўлишича, касалликнинг узок давом этиши 19-29 ёшли ва 30-39 ёшли аёлларда бошқа ёш гуруҳларига нисбатан кўп учраши эътиборли бўлган.

Ўрганилган 135 нафар бемор аёлларда йўлдош касалликлар биттадан учтагача аниқланган, ҳар бир аёлга 2,16 тадан йўлдош касалликлар тўғри келган. Улар орасида етакчилик ошқозон-ичак тизими ва сийдик-таносил тизими касалликларида бўлган - мос равишда 92,60±2,25% ва 84,44±3,12%. Бошқа соматик касалликлар кам миқдорда учраши билан ажралиб турган - мос равишда 0,74±0,73% дан, 12,60±2,90% гача.

Бемор аёлларни уларнинг ижтимоий ҳолати бўйича тақсимлаш қуйидаги натижаларни берган: уй бекалари 52 нафар (38,52±4,19%); ишчилар ва фермер хўжалиги ишчилари 44 нафар (32,60±4,03%); хизматчилар 18 нафар (13,33±2,93%); вақтинча ишсизлар 16 нафар (11,85±2,78%); талабалар 5 нафар (3,70±2,62%).

Ўрганилган аёллар касаллик клиник-микробиологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда учта гуруҳга ажратилган (Елинов Н.П., 2000):

1-гуруҳ (асосий гуруҳ) - *Candida spp* монокультура кўринишида учраган ($>1 \times 10^4$ КХҚБ/мл) ҳақиқий кандидоз кузатилган аёллар (n=39);

2-гуруҳ (таққослаш гуруҳи) - урогенитал кандидознинг қин дисбиози билан биргаликда келгандаги кўриниши кузатилган аёллар (n=96). Бунда *Candida spp* $>1 \times 10^4$ КХҚБ/мл ва патоген ва ШПМ лар $>1 \times 10^9$ КХҚБ/мл бўлган;

3-гуруҳ (назорат гуруҳи) - анамнезида урогенитал кандидоз кузатилмаган соғлом аёллар (n=15).

Урогенитал кандидоз кузатилган аёллар анъанавий даво комплекси қўлланилган ҳолда даволанган, ушбу комплекс давога қуйидагилар киритилган: антимикотик дори воситалари, жинсий йўллар санақияси. Кўрсатма бўлганда: иммуностимулятор, биостимулятор, витамин ва физиотерапевтик муолажалар.

Цитокинлар концентрациясини аниқлаш ИФА ёрдамида ўтказилган. Бунда «Цитокин» МЧЖ (СПб, РФ) ишлаб чиқарган тест-тизимлардан фойдаланилган. Улар ёрдамида IL-4, TNF- α , прокальцитониннинг қон зардобидаги концентрациялари аниқланган.

Комплементнинг С3 компоненти қон зардобидаги концентрацияси ИФА ёрдамида аниқланган (кўрсатма асосида). Бунда «Цитокин» МЧЖ (СПб, РФ) тест-тизимлардан фойдаланилган.


Қон зардобидаги IgA, IgM, IgG иммуноглобулинлари концентрацияси ИФА ёрдамида аниқланган (кўрсатма асосида). Бунда «Вектор Бест» МЧЖ (Новосибирск, РФ) тест-тизимларидан фойдаланилган.

Урогенитал кандидоз ташҳисини верификация қилиш учун касаллик этиологик агенти анъанавий микологик усуллар ёрдамида тасдиқланиши лозим. *Candida spp* идентификацияси уч босқичда олиб борилган: беморлардан биологик ашёни олиш, микроскопик текшириш, микологик текшириш - соф культура ажратиб олиш, авлоди, туригача идентификация (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2006, Арифов С.С., 2013). Қўзғатувчиларни ундириш мақсадида «HiMedia» (Ҳиндистон) фирмаси озик муҳитларидан (Сабуро муҳити, СРМ-4) фойдаланилган.

Олинган материалларни статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилган. Бунинг учун қуйидаги параметрларни ҳисоблаш амалга оширилган: ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик катталиқ хатоси (m), фарқлар ишончилиги Фишер-Стьюдент мезони (Р) бўйича аниқланган, агар ишончилиқ даражаси $P < 0.05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли, деб ҳисобланган. Статистик таҳлил «Pentium IV» процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинган.

Диссертациянинг «Урогенитал кандидоз ташҳисланган фертил ёшдаги аёллар клиник тавсифи, қўзғатувчилар турига мос ўзгаришлар таърифи» деб номланган учинчи бобида касаллик клиник тавсифи, қўзғатувчилар турига мос ўзгаришлар хусусиятлари ёритилган.

Аниқланишича, касаллик шаклланиши ва ривожланишининг хавф омиллари орасида бир нечта клиник аҳамиятга молик бўлганлари тадқиқот давомида аниқланган ҳамда ўрганилган аёллар контингентиде урогенитал кандидоз келтириб чиқариш даражаси аниқланган (1-расм).



1-расм. Аёлларда урогенитал кандидоз шаклланиши хавф омилларининг учраш даражаси, % (ЭТЎ - эндокрин тизим ўзгаришлари)

Касаллик шаклланиш омилларида етакчилик эндокрин тизим ўзгаришларида бўлиб, ($57,04 \pm 4,26\%$, $n=77$), кейинги ўринларда гиповитаминоз ва антибиотикларни узоқ вақт давомида назоратсиз ишлатиш (мос равишда $17,04 \pm 3,24\%$ дан, $n=23$) эндокрин тизим ўзгаришлариларига нисбатан ишонарли даражада ($P < 0,001$) кам аниқланиши билан ажралиб турган. Антистатикларни узоқ ишлатиш ва иккиламчи иммунодефицитлар кам миқдорда аниқланган - мос равишда 6 нафардан бемор аёлларда ($4,44 \pm 1,77\%$ дан). Эътиборли жойи шундаки, антистатикларни узоқ вақт давомида ишлатиш аниқланган 6 нафар аёлнинг 5 нафарида ($83,3\%$) *Non-albicans* касаллик сабабчиси бўлган, ушбу ҳолатларнинг барчасида рецидив аниқланмагани эътиборли бўлган.


Иккиламчи иммунодефицитнинг касаллик шаклланишидаги ўрни кам бўлса ҳам ($4,44 \pm 1,77\%$, $n=6$), ушбу рақамлар ҳаққоний эмас, деган фикрга келинган, чунки иккиламчи иммунодефицитнинг чуқурлилик даражаси иммун тизимнинг ҳужайравий ҳамда гуморал бўғинларидаги етишмовчилик, бирламчи ва иккиламчи иммун жавобларнинг таъсир даражаси очиб берилмаганлиги шундай қарор қабул қилишга сабаб бўлган. Ушбу саволларга жавоб топиш, урогенитал кандидоз шаклланиши ва ривожланишида иммун тизимнинг тутган ўрнини аниқлаш мақсадида иммунологик тадқиқотлар ўтказилган, улар натижасининг таҳлили кейинги бобда келтирилган.

Умумий характерга эга кўплаб шикоятларларнинг бемор аёлларда учраш даражаси камлиги эътиборни тортган: қорин пастида оғриқлар, ҳолсизлик мос равишда $11,11 \pm 2,70\%$ ($n=15$) ва $8,15 \pm 2,35$ ($n=11$) ҳолатда учраган бўлса, бошқа ўрганилган шикоятлар $1,48 \pm 0,86\%$ дан $3,70 \pm 1,62\%$ ($n=5$) оралиғида учраган. Демак, урогенитал кандидоз ва ушбу шикоятлар пайдо бўлиши орасида боғлиқлик аниқланмаганлиги эътироф этилган.

Бундан ташқари урогенитал кандидоз учун характерли бўлган аёл жинсий тизими билан боғлиқ шикоятларидан қинда қичишиш ва ачишиш 133 нафар ($98,5 \pm 1,05\%$) бемор аёлларда аниқланган, худди шундай ҳолатни қиндан оқиш ажралмалар кузатилиши бўйича ҳам кўриш мумкин ($98,5 \pm 1,05\%$ $n=133$). Қиндан сариқ рангли, бадбўй ажралмалар ажралиши кам миқдордаги аёлларда кузатилган - $4,44 \pm 1,77\%$ ($n=6$). Беморларнинг ушбу аниқланган шикоятлари ўрганилаётган касаллик учун специфик бўлиб, уларнинг борлиги чуқур микологик текширишлар ўтказиш учун асос бўлган.

Гинекологик кўрик натижалари қуйидагича бўлган: қиндан кўп миқдордаги оқиш ажралмалар чиқиши 129 ҳолатда ($95,50 \pm 1,77\%$), қизариш 30 ҳолатда ($22,22 \pm 3,58\%$) аниқланган. Эътиборли жойи қин меъёрий микрофлорасида индиген ва факультатив микроорганизмлар орасидаги мувозанатнинг бузилиши (дисбиоз аломатлари) кузатилган. Барча аёлларда (100% $n=135$) қиннинг IV - тозалик даражаси аниқланган.

Микологик тадқиқотлар натижаларига назар ташланганда, урогенитал кандидоз кузатилган аёллар қинидан олинган биологик ашёдан (оқиш ажралма) ҳар хил турга мансуб *Candida spp* унган (2-расм).



2-расм. Урогенитал кандидозлар кузатилган аёллардан ундирилган *Candida spp* нинг турлари бўйича тақсимланиши, %.

Урогенитал кандидознинг асосий қўзғатувчилари *Candida albicans* бўлиб ($96,30 \pm 1,62\%$ $n=130$), *Non-albicans* гуруҳига кирувчи *Candida tropicalis* ($2,22 \pm 1,27\%$ $n=3$), *Candida krusei* ($1,48 \pm 1,04\%$ $n=2$) кам миқдорда қўзғатувчи сифатида ундирилган. Аммо, одамда кандидоз келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа шу авлодга мансуб ачитқисимон замбуруғлар *Candida guelii* ва *Candida parapsilosis* лар этиологик агент сифатида унмаган.

Эътиборли жойи шундаки, қин микробиоценозини ташкил этувчи микроорганизмлар ва *Candida spp* аниқланиши орасида узвий боғлиқлик аниқланган. Кўп миқдордаги оқиш ажралмалар, қиннинг IV - тозалик даражаси аниқланганда амалий жиҳатдан барча ҳолатларда урогенитал кандидоз қўзғатувчилари *Candida albicans* ($n=130$) ва *Non-albicans* ($n=5$) лар микологик усулларда ундириб олинган. Агар Елинов Н.П. (2000 йил) классификацияси бўйича оладиган бўлсак, бемор аёлларнинг кўпчилигида урогенитал кандидоз қин дисбиози билан бирга кечган, ҳақиқий кандидоз (*Candida spp* монокультураси қўзғатувчи сифатида) учраш фоизи ишонарли даражада кам бўлган - мос равишда $71,11 \pm 3,90\%$ ($n=96$) ва $28,89 \pm 3,90\%$ ($n=39$), тафовут 2,46 мартага ($P < 0,001$).

Ушбу ҳолатда ҳақиқий кандидоз нисбатан кам миқдорда учрагани ($28,89\%$) қин микрофлорасида *Lactobacillus spp* ишонарли камайиши ($< 1 \times 10^4$ ҚХҚБ/мл) ушбу биотопда кислотали муҳитнинг нейтрал муҳитга айланишига сабаб бўлган, бу эса патоген ва ШПМ нинг миқдорий кўпайишига олиб келган. Шу сабабдан ҳам урогенитал кандидоз чуқур дисбиотик ўзгаришлар билан бирга келиши кўп ҳолатда аниқланган, бу ҳолат касалликнинг давомли бўлиши ва қайталаниш тенденциясига олиб келишига сабаб бўлган. Агар *Candida spp* нинг монокультура ва бошқа микроорганизмлар билан ассоциацияда учраши бўйича олинган рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, 39 та ҳолатда монокультура ва 96 та ҳолатда *Candida spp* бошқа микроорганизмлар билан ассоциацияда учраган, бу эса ҳақиқий ҳамда урогенитал кандидознинг дисбиоз билан биргаликда келиши бўйича тақсимланишига тўғри келган. *Candida spp* нинг бошқа ШПМ билан

ассоциацияда келиши касаллик кечиши асоратлари шаклланиши, рецидивланувчи кўринишга ўтиш истиқболлини белгиловчи микологик мезон сифатида тавсия қилинган.

Аёлларда урогенитал кандидозларни аниқлаш бўйича касаллик эрта ташҳиси ва асоратлар шаклланиши, рецидивланувчи кўринишга ўтиши истиқболлини белгилаш имконини берувчи қуйидаги жиҳатлар аниқланган:

биринчи жиҳат, қинда қичишиш, ачишиш, оқиш ажралмалар ажралиши каби беморлар шикоятлари, қиндан кўп миқдорда оқиш ажралмалар каби клиник симптом ва микологик усулда кўп миқдорда ($>1 \times 10^4$ ҚХҚБ/мл) *Candida spp* униши, ушбу патология ташҳисланишининг асосий клиник-микологик белгилари эканлигининг аниқланиши;

иккинчи жиҳат, *Candida albicans* нинг қўзғатувчи сифатида *Non-albicans* га нисбатан кўп аниқланиши (96,30% га қарши 3,70%, $P < 0,001$);

учинчи жиҳат, қинда фақат *Candida spp* $>1 \times 10^4$ ҚХҚБ/мл униши, *Lactobacillus spp* нинг $>1 \times 10^8$ ҚХҚБ/мл аниқланиши фондаги ҳақиқий урогенитал кандидознинг, *Candida spp* $>1 \times 10^9$ ҚХҚБ/мл аниқланиши фонда, *Lactobacillus spp* нинг $<1 \times 10^4$ ҚХҚБ/мл униши патоген ва ШПМ нинг $>1 \times 10^9$ ҚХҚБ/мл аниқланиши фондаги ҳақиқий урогенитал кандидознинг унинг кин дисбиози билан биргаликда кечишига нисбатан 2,46 мартага кам учраши;

тўртинчи жиҳат, урогенитал кандидоз эрта ташҳисини қўйиш касаллик кечиши оғирлиги ва рецидивланувчи кўринишини аниқлаш мақсадида *Candida spp* ни нафақат монокультура, балки ассоциация кўринишида ундириш, миқдорини ҳам аниқлаш, шунда қўзғатувчининг сифатий ва миқдорий жиҳатдан ҳам идентификация қилиниши;

бешинчи жиҳат, *Candida spp* нинг $>1 \times 10^4$ ҚХҚБ/мл, ШПМ билан ассоциацияда $>1 \times 10^9$ ҚХҚБ/мл, шу фонда *Lactobacillus spp* нинг $<1 \times 10^4$ ҚХҚБ/мл бўлиши урогенитал кандидоз асоратланиш, рецидивланувчи кўринишга ўтиши истиқболлини белгиловчи клиник-микологик мезонлар сифатида тавсия этилиши.

Ушбу аниқланган жиҳатлар аёлларда кечадиган урогенитал кандидозлар эрта ташҳиси, рецидивланувчи кўринишга ўтиши истиқболлини белгилаш имконини берган. *Candida spp* нинг нафақат сифатий, балки миқдорий кўрсаткичларини ҳам аниқлаш, патоген ва ШПМ билан ассоциацияда келиши, *Lactobacillus spp* нинг шунга мос кескин камайишининг прогностик мезонлар сифатида тавсия этилиши назарий ва амалий тиббиёт учун аҳамиятли эканлиги исботланган.

Диссертациянинг «**Аёлларда ташҳисланган урогенитал кандидознинг иммунологик жиҳатлари тавсифи**», деб номланган тўртинчи бобида бемор аёллар иммун ва цитокин статусларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатганки, иммуноглобулинларнинг қон зардобадаги концентрациялари асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ишонарли даражада юқори бўлган (1-жадвал).

IgA миқдори бемор аёллар гуруҳида назорат кўрсаткичларига нисбатан 1,30 мартага ишонарли даражада юқори бўлгани аниқланган ($P < 0,05$), IgM концентрацияси ҳам асосий гуруҳда 1,15 мартага ошгани кузатилган

($P < 0,05$). IgG назорат гуруҳи параметрларига нисбатан 1,95 мартага кўплиги билан ишонарли равишда ($P < 0,001$) фарқ қилган. Хар учала синф иммуноглобулинларининг қон зардобидаги концентрацияси ошиши организмда яллиғланиш жараёни борлиги, ушбу жараён қўзғатувчилари микроб табиатли эканлигини билдириб турган. Бемор аёллар қон зардобида IgE миқдори назорат гуруҳи параметрларига нисбатан 6,59 мартага кўплиги аниқланган ($P < 0,001$), кўриниб турибдики, урогенитал кандидоз кучли аллергик фонда кечган.

1-жадвал

Урогенитал кандидозлар ташҳисланган аёллар қон зардобидаги иммуноглобулинлар концентрацияси кўрсаткичлари

Гуруҳлар	IgA, г/л	IgM, г/л	IgG, г/л	IgE, ХБ/мл
Назорат гуруҳи, n=20	1,22±0,07	1,02±0,07	8,01±0,21	24,46±1,05
Урогенитал кандидоз, n=60	1,58±0,09* ↑	1,17±0,08* ↑	15,65±0,23* ↑	161,19±7,41* ↑

Эслатма: * - кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишонарли фарқ белгиси; ↑ - ўзгариш йўналиши.

